

## Х. ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2019 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 29,6 млн. тонна юк ташылган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,1 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 628,7 млн.тн-км.ни ташкил қилди ва 107,8 фоизга кўпайди.

### Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми

	2019 йил январь-декабрь	2018 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
--	----------------------------	---

Ташилган юк, млн. тн.	29,6	112,1
-----------------------	------	-------

шу жумладан:

автомобиль транспортида	29,6	112,1
-------------------------	------	-------

Юк айланмаси, млн. тн-км.	628,7	107,8
---------------------------	-------	-------

шу жумладан:

автомобиль транспортида	628,7	107,8
-------------------------	-------	-------

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортининг юк айланмаси 2018 йил январь-декабрга нисбатан 102,6 фоизга кўпайди ва 418,5 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 88,8 фоизни ташкил этди (2018 йилда 90,7 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2019 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 139,3 млн. киши ташылган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,0 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 103,3 фоизга кўпайиб, 3871,8 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

## Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2019 йил январь-декабрь	2018 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	139,3	105,0
шу жумладан: автомобиль транспортида	139,3	105,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км.	3871,8	103,3
шу жумладан: автомобиль транспортида	3871,8	103,3

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобиль транспортида йўловчи айланмаси 2018 йил январь-декабрга нисбатан 103,5 фоизга кўпайди ва 3759,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 97,1 фоизни ташкил этди (2018 йилда 96,9 фоиз).

### Январь-декабрь ҳолатига тарнспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

